

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Наргиза Асадуллаева

Тадқиқотчи Бухоро давлат университети

Аннотация:

Тажриба-синов ишлари илмий-педагогик тадқиқотларнинг ажralmas қисми бўлиб, у соҳага оид ҳар қандай изланишлар натижаларининг ҳаққонийлиги, амалий аҳамияти ҳамда татбиқийлигини тасдиқлашнинг бош мезони ҳисобланади. Тадқиқотчи ва амалиётчи педагоглар аниқ таълимий муаммолар ечимига бағишиланган тажриба-синов ишларидан ўз педагогик ва методик мавқеини ошириш, қўлланилаётган педагогик инновациялар тасдигини топиш, таълимда сифат ўзгариши ясашга интиладилар.

Калит сўзлар: Тажриба-синов ишлари, бошлангич синф, фуқаролик компетенцияси, тадқиқот, фараз, амалиёт.

Тадқиқот ишининг энг муҳим босқичи уни амалиётда синааб кўриш ҳисобланади. Ҳар қандай назария албатта амалиётда ўз тасдигини топмоғи лозим. Ҳар бир тадқиқот ишининг илмий фарази ҳам амалиётда синалади ва натижалари таҳлил қилинади. Тадқиқотдаги назарий фараз билан тажриба асосида келиб чиқсан натижанинг қанчалик яқинлиги тадқиқот ишининг тўғрилиги, мақсаднинг аниқлиги ва методологияни тўғри танланганлигига боғлиқ бўлади.

Мазкур тадқиқот доирасида ҳам бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш учун педагогик жараённи ўқитиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил қилиш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосида танлаб олинган ОТМларда талабаларнинг фуқароролик дунёқараши ва маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигини аниқлашга доир ишлар, тажриба воситалари ва таҳлил қилиш мезонлари ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларининг умумий мақсади бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида хуқуқий маданияни шакллантириш, сиёсий билимларини ошириш ва бу орқали фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлаш, уларда ана шу жараён учун ишлаб чиқилган назария, такомиллаштирилган таълим технологияси мазмуни ҳамда уни олиб боришининг самарали метод ва воситаларини педагогик амалиётда синааб кўришдан иборат.

Тажриба-синовда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар:

ОТМларда талабаларнинг ижтимоий-сиёсий дунёқараши, ахлоқий-ҳукуқий маданиятини ва сиёсий тафаккурини ва бу орқали фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамловчи ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқув машғулотлари технологиясини яратилиб ўқитишнинг мавжуд ҳолати таҳлил этилмаганлиги; ОТМлар педагогик жараёнларида инновацион технологиялар асосида ўқитишнинг самарадаорлиги аниқланилмаганлиги;

- ❖ Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган таълим жараёни, дарс машғулотлари сифатини оширишда таълимга қреатив ёндашув, ўқув машғулотларида инновацион ўқитишнинг аҳамияти кўрсатилмаганлиги;
- ❖ Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ижтимоий-гуманитар фанларининг ўқув машғулотларини ташкил этишнинг замонавий концепцияси ишлаб чиқилмаганлиги;
- ❖ Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашда ижтимоий-гуманитар фанлардан фанлараро ҳамкорлик асосида педагогик жараённи ташкил этишда таълим технологиясининг инновацион моделининг ўрни атрофлича ёритилмаганлиги;
- ❖ фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашда ижтимоий-гуманитар фанлардан ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш методикаси ишлаб чиқилмаганлиги;
- ❖ Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ҳуқуқий тарбия асосида фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган ўқув машғулотлари лойиҳалари тузилмаганлиги;
- ❖ Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ҳуқуқий тарбияни самарадорлигини таъминлашга асосланган ўқув машғулотлари лойиҳалари таълим амалиётiga жорий этилмаганлиги;
- ❖ ўқув машғулотларини инновацион ёндашув асосида ўқитиш самарадорлиги бўйича тажриба-синов ишларини ўтказилмаганлиги;
- ❖ тажриба-синов ишларининг мақсади ОТМ талабаларида ҳуқуқий тарбия асосида фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган ўқув машғулотлари модели ва технологияларини тузиш, амалиётга жорий этиш амалиётини ўтказиш ва натижалар асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Тажриба-синов ишларининг вазифалари этиб қўйидагилар белгиланди:

1. ОТМларда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида ҳуқуқий тарбияни ривожлантирувчи ижтимоий-гуманитар фанларнинг таълим технологиясини такомиллаштириш, уларда ҳуқуқий маданиятни, фаол фуқаролик компетенциясининг мавжуд ҳолатини ўрганиш.

2. Ҳар бир ОТМ ўзининг кадрлар тайёрлашдаги йўналиши, имкониятларига қараб Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган фанлараро ҳамкорликка асосланган таълимнинг замонавий концепциясини ишлаб чиқиши.
3. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида хукуқий тарбияни ривожлантирувчи, фуқаролик маданиятини мустаҳкамловчи ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқитишининг инновацион модели ва технологиясини ишлаб чиқиши.
4. Тажриба-синов майдонларини аниқлаш.
5. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён методикасини ишлаб чиқиши ва тажриба-синовдан ўтказиши.
6. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида фаол фуқаролик компетенциясини ривожланишга ҳизмат қилувчи ўқув-услубий қўлланма, кўрсатма ва тавсияномаларни тажриба-синовдан ўтказиши.
7. Ўқув машғулотлари асосида аниқланган самарали педагогик технологияларни таълим амалиётига кенг жорий этиши ва натижасини таҳлил этиши.
8. Тажриба-синов ишлари самарадорлик натижасини математик-статистик методлар ёрдамида аниқлаш.
9. Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиши бўйича тажриба-синов ишларини ўтказиши босқичларини аниқлаш:

Тайёргарлик босқичи – назорат ва тажриба гурӯхларини белгилаш, машғулотларни ташкил этиши ва ўтказишининг умумий аҳволини ўрганиш, ОТМларда хукуқий тарбиянинг мавжуд ҳолати, фаол фуқаролик сифатларини ривожлантирувчи дарс машғулотлари самарадорлигини ўрганиш ва мавжуд ҳолатни аниқловчи назорат саволларини ишлаб чиқиши. Бу жараён далилларни йиғиш, қузатиш олиб бориш ва сухбат уюштириш тарзида амалга оширилди.

Иzlаниш босқичи. Бу босқичда бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида хукуқий маданиятни шакллантириш, фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашга йўналтирилган, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқув машғулотларини инновацион ўқитишига асосланган тажриба-синов ишларини ташкил этиши, мавжуд ўқув ва ўқув методик қўлланмалар орқали фан мазмунини талабаларга самарали етказиши ишларини олиб бориш эътиборга олинади.

Аниқлаш ва изланиш босқичи учун тажриба-синов ўтказилаётган олий таълим муассасаларида гурӯхларни танлаш, уларнинг тажриба ва назорат гурӯхига ажратиш белгиланди.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.400.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005, -Б–12-13
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. <https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019>.
5. Одилқориев X. Конституция ва фуқаролик жамияти.- Тошкент:Ўзбекистон, 2002.
6. Shermuxamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi. –Toshkent: Aloqachi. 2008. –В. 89.
7. Тожиев М., Зиёмуҳамедов Б. Педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига татбиқи ва унинг баркамол авлод фазилатларини шакллантиришдаги ўрни // Монография. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2010. – Б. 214.
8. Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телеқўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. –Б.22.
9. Николаев Г.Г. Воспитание гражданских качеств подростков в детских общественных объединениях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Екатеринбург, 1999. –С. 23.
- 10.Karimova O. Huquq ta’limini o’qitish metodikasi. Toshkent.: O’zbekiston . 2011 yil, - B.23.
- 11.Rotschild J.Ethnopolick: a conceptual framework. - W.-Y..1981. - P. 7; Komaroff J. Op.clt. - P.667; Glazer N. Op.cit.- P.141-176.
- 12.Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография).- Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 8–9.
- 13.SHAKLLARI I. F. NM Asadullaeva-Farg ‘ona davlat universiteti fuqarolik jamiyatni kafedrasini o ‘qituvchisi TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA TALABA-YOSHLARNI TARBIYALASHNI //FARG ‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI. – С. 48.
- 14.Egamberdieva T., Asadullaeva N. SOCIO-PEDAGOGICAL FACTORS OF FORMATION OF ACTIVE CIVIL POSITION IN STUDENTS ON THE BASIS OF THE REQUIREMENTS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF SOCIETY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 6. – С. 261-267.

- 15.Makhammadalievna A. N. Prospects and foreign experience in the development of the pedagogical process aimed at strengthening active civil competence in future teachers //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 63-69.
- 16.Асадуллаева Н. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ АКТИВНОЙ ЖИЗНЕННОЙ ПОЗИЦИИ У МОЛОДЫХ ЛЮДЕЙ //МИРОВАЯ НАУКА 2020. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 14-16.
- 17.Haydarova D. INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE TEACHING FOREIGN //Chief Editor.
- 18.JARAYONI O. Z. X. M. M. DK Haydarova–Farg ‘ona davlat universiteti o ‘qituvchisi //FARG ‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI. – С. 22.
- 19.Haydarova D. Инглиз ва узбек субстанциал бирликларининг грамматик жихатдан ахамияти //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 128-132.
- 20.Haydarova D. INTERNETNING ZAMONAVIY O ‘ZBEK ADABIYOTIGA TA’SIRI //International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 156-158.
- 21.Haydarova D. APPLICATION FORMS IN UZBEK AND GERMAN LANGUAGES //Chief Editor.